

АЛИМОВ Хўжагелди,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика
кафедраси доценти, психология
фанлари доктори

ХИЛВАТ ТАСАВВУФИЙ ҲОЛЛАРНИ ЧАҚИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК УСУЛИ СИФАТИДА

ХИЛВАТ КАК ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ МЕТОД ВЫЗЫВАНИЯ МИСТИЧЕСКИХ СОСТОЯНИЙ

KHILVAT AS A PSYCHOLOGICAL METHOD OF INVOKING MYSTICAL STATES

Аннотация: Мазкур мақола тасаввуф таълимоти ва амалиётининг муҳим унсурларидан бири бўлган хилват масаласига бағишланган. Маълумки, хилват тасаввуфий ҳолларни пайдо қилишнинг психологик усулларидан бири ҳисобланади. Хилватнинг психологик жиҳатдан устун томонлари ва камчиликлари мақолада келтирилади. Хилватнинг вазифаларидан бири – Аллоҳга яқинлик натижаси ўлароқ пайдо бўладиган ҳоллар – фано ва бақоларни пайдо қилишдир. Жисмоний хилват билан руҳоний хилват ўртасидаги диалектик ўзаро алоқани албатта ўрнатиш зарурлиги ҳар бир солиҳдан талаб этилади.

Калит сўзлар: тасаввуф, хилват, фано, бақо, зикр, ташқи мулоқот, ички мулоқот, нафс, ҳол, ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи назорат.

Аннотация: Данная статья посвящена вопросу хилват, который является одним из важных элементов учения и практики суфизма. Известно, что хилват – это один из психологических методов создания мистических состояний. В статье представлены психологические преимущества и недостатки хилвата. Одна из задач хилвата – вызвать состояния, возникающие в результате близости к Богу – фана и бака. Необходимость установления диалектического взаимодействия физического и духовного целомудрия требуется от каждого праведника.

Ключевые слова: суфизм, хилват, фана, бака, зикр, внешнее общение, внутреннее общение, нафс, хал, самосознание, самоконтроль.

Abstract: This article is devoted to the issue of khilwat, which is one of the important elements of the teaching and practice of Sufism. It is known that Khilvat is one of the psychological methods of creating mystical states. The article presents the psychological advantages and disadvantages of khilvat. One of the tasks of Khilvat is to induce states that arise as a result of closeness to God - fana and baqa. Every Salik is required to establish a dialectical interaction between the physical and spiritual Khilvat.

Key words: Sufism, hilwat, fana, bako, dhikr, external communication, internal communication, nafs, khol, self-awareness, self-control.

Кириш

Тасаввуф адабиётларида “хилватга кетиш, узлат, ёлғизлик” (хало феълидан – “ёлғизликда бўлмоқ, узлатга чекинмоқ”) деган маъно юкланади. Қуръони каримнинг Аъроф сурасида шундай сатрлар бор: “Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашган эдик. Сўнгра яна ўн кун билан тўлдирдик. Бас, Парвардигорнинг (унинг учун белгиланган) вақти комил қирк кеча бўлди”. Бу оятнинг маъноси шундаки, Мусо алайҳиссаломга Тур тоғида ўзига ёлғиз қолиб ибодат қилишни буюрди. Тасаввуф аҳли хилват деб аталган тасаввуфий тушунча асосида Қуръони каримнинг шу ояти ётади, деб ҳисоблайди. Шунингдек, Қуръони карим нозил бўлиши арафасида Муҳаммад алайҳиссаломнинг Хиро тоғида узлатда бўлишлиги сўфийлар учун ибрат бўлди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ваҳий келгунгача ҳар йили бир ой муддат давомида одамлардан узокда, ёлғизликда ўша ғорда Аллоҳни тафаккур қилар, мушоҳадага берилар ва мукамал ибодатда бўлар эди. Хилватда Пайғамбар (с.а.в.) Аллоҳ тўғрисида чуқур тафаккур қилар, рўза тутар эдилар. Аллоҳнинг зикрига эътиборини қаратар ёки доимий уйғок ҳолда, сукут сақлаган ҳолатда яшар эдилар. Бу ҳолатларнинг барчаси кейинчалик маълум одамлар томонидан хилватнинг тартиб-интизомига киритилди, шартлари сифатида қараладиган бўлди. Шундай қилиб, хилват зуҳднинг асосий устунларидан бирига айланди. Бу ҳақда Н.Кубро ўзининг “Тасаввуфий ҳаёт” китобида шундай деб ёзади: “Тасаввуф аҳли учун эса хилватдан мақсад зикриллоҳ эрур. Зеро улар хилватни Ҳақдан ҳақ илмини ўзлаштирмоқ Аллоҳ ила унсиятни кучайтирмоқ, ишқдаги завку сурурни жўш урдирмоқ деб билганлар” [6: 247].

Асосий қисм

Хилват шундай бир ҳолатки, бунда солиқ танҳоликда Аллоҳнинг танҳолигини мушоҳада қилади, барча жисмоний ва зоҳирӣ, дунёвий боғланиш ришталарини узади, турли туман дунёвий ўй-фикрлардан, истак-эҳтиёжлардан фориғ бўлиб, қалби покланади, шайх (устоз) раҳнамолигида ҳамда кўрсатмаларини амалга оширган ҳолда психологик ўзини ўзи таҳлил қилишга ўтади. Аллоҳ билан руҳоний алоқа ўрнатилади. Хилватнинг муддати юқорида Мусо алайҳиссаломга буюрилганидек, камида қирқ кун белгиланди ва шу нуқтаи назардан исломда қирқ рақами алоҳида рақам ҳисобланади. Бу муддатнинг “чилла” ёки “арбаин” деб аталиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда хилват тўғрисидаги иккита хато фикрни танқид қилиб ўтмоқчимиз. Биринчидан, тасаввуф илми ҳеч қачон умрбодлик узлатни тарғиб қилмаган. Баъзи бир ғарб олимларининг фикрига кўра, хилват асли христианликдаги роҳибликдан олинган эмиш ва у ҳам бир умр давом этар эмиш. Бу нотўғри фикр. Чунки бунда исломнинг хилватни христианликдан олмаганлигини таъкидлаш зарур. Исломи дунёвий дин ва ҳеч кимга тоатидан ортиқ юк юкламайди. Шу нуқтаи назардан у маълум муддатга чўзилган, холос. Хилватдаги асосий ҳолат – бу ўзи билан ўзи ёлғиз қолиш ва ўзини ўзи таҳлил қилиш ҳисобланади.

Иккинчидан, хилватнинг маъноси ўзгалардан, ўзгаларнинг гуноҳларидан, муноқаба қилишларига ҳалақит беришларидан қочиш эмас. Бу тасаввуфда кибр ҳисобланади. Аксинча, узлатга чекинари экан, сўфий шундай деб мушоҳада юритади: “Мен узлатга чекинапман, токим ўзга кишилар менинг ёмонликларимдан, гуноҳларимдан фориғ бўлсинлар”. Эътибор берилса, узлатдан кўзланган ният муҳим саналади. Ният холис бўлган жойдагина ихлос бор бўлади.

Узлатнинг илк пайдо бўлиш тарихига назар ташласак, илк мусулмон саҳобаларда танҳоликка, ёлғиз яшашга, дарвишона ҳаёт кечиришга мойиллик мавжудлигини кузатсак бўлади. Бундай мойиллик ўша даврларда илк ислом вакиллари ва уламолари ҳар томонлама рағбатлантирар эдилар.

Уларнинг фикрига кўра, умрининг маълум қисмини танҳоликда ўтказиш ҳокимиятнинг

жиноий қаватларидан, умуман дунёдан четлашиш имкониятини беради. Маълум бўлишича, Зуннуни Мисрий ёлғизликда Аллоҳ билан танҳо сирлашиш зикр ва танҳолик лаззатларини туйган киши бу ҳолатга тагин интилаверади. Унинг фикрича, ихлосга эришишнинг “хилватдан яхшироқ усулини билмас экан” [3: 365].

Абу Бакр аш-Шиблий ўз атрофидагиларга шундай маслаҳат берар экан: “Танҳоликда бўл, ўз исмининг ўзгаларнинг хотирасидан чиқариб ташла ва сўнгги кунларингча ибодатда турган ҳолда деворга юз ўгириб тур!”.

Абдулқодир Жийлоний шундай деб ёзади: “Агар сенинг қалбинг Ҳақ таолодан бошқа барча нарсадан холи бўлмаса, хилватнинг сенга нафи бўлмас” [1: 40].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “хилват” тушунчасига тасаввуфий истилоҳда “узлат” тушунчаси тенг маънода юради. Шунинг учун баъзи манбаларда “хилват”, баъзи манбаларда “узлат” деб аталади. Масалан, Нажмиддин Кубро “узлат” атамасини қўллайди. Унинг таърифига кўра, “Узлат – бамисоли ўликдек халқ билан бирга яшашдан инзиво ва хилват, ёлғизлашиш йўли билан юз ўгирмоқ демак” [6: 58]. “Нақшбандия тариқатига оид қўлғизмалар фикри”да ҳам узлат атамаси ишлатилади ва унга шундай таъриф берилади: “узлат – “хилват, пана жой, чекка”. Тасаввуфда солиқнинг халқдан ажралиб, ўзига холи жойларда ибодат ва зикр билан машғул бўлишдир” [5:114]. Шу ўринда узлатнинг бир қанча шартлари ҳам келтирилади. Бу шартларга қуйидагиларни киритиш мумкин а) оила ва фарзандларнинг қаровсиз қолмаслиги; б) халқдан бутунлай юз ўгирмаслик, яъни зарурий шароитларда жамоа билан бирга бўлиш; в) узлатда бирор кимсага малол келтирмаслик; г) узлат билан фахрланмаслик ва ҳ.к. [5].

Абу Ҳомид Ғаззолий ўзининг “Кимёи саодат” асарида узлат ҳақида, ундан кўринадиган фойда ва зарарлари тўғрисида батафсил маълумот беради. Унинг эътирофича, Суфён Саврий, Иброҳим Адҳам, Довуд Тоий, Фузайл Иёз, Ҳузайфа ибн Исо, Бишр Ҳофий сингари тариқат аҳллари узлатни фазилат сифатида баҳолаганлар. Ҳасан Басрий узлат тўғрисида шундай деган: “Тавротда кўрдим, Одамики, қаноат қилса, беҳожат бўлур ва

халқдан узилса саломатлик топура ва шахватни паст қилса, озод бўлур. Ҳасад қилмоқдан холос бўлса, муруввати зоҳир бўлур ва неча кун сабр қилса, жовид (доимо, абадий) баҳрамандлик ва осойиш таълиққа етур” [7: 54].

Абу Ҳомид Ғаззолий узлат тўғрисида фикр билдирар экан, унинг ижобий ва салбий томонлари тўғрисида ҳам ёзади. Буни у узлатнинг фойдаси-ю, офатлари деб баҳолайди. Олимнинг таъкидлашича, узлатнинг олти фойдаси бор. Биринчиси, “зикр ва фикрни фароғат бирла қилмоқликдурки, ибодатнинг улуғроғи Ҳақ суҳанаҳу ва таолонинг осмон ва заминдаги ажойиб ва ғаройиб сунъи (санъати) қудратларини фикр қилмоқ” [7: 57].

Шу ўринда хилват сўзига синоним сифатида ишлатиладиган сўзларни бериб кетамиз, токим ўқувчилар шу сўзларга тўқнаш келганда, маъносини чақишда қийналмасин: узлат, инзиво, тажарруд, эътикоф, риёзат, парҳез, тарки дунё ва ҳ.к.

Тасаввуфда хилватнинг икки хил тури фарқланади: шариат хилвати ва тариқат хилвати. Улар бири иккинчисидан моҳиятан фарқ қилади. Уларнинг фарқи ҳақида шундай деб ёзилади: “Шариат хилвати айб ва нуқсон саналмиш барча гуноҳу ёмонликлардан тавба қилишга асосланади. ...Шаҳобиддин Суҳравардийнинг эътирофича, тариқат хилватидан мақсад бир талай ғаройибот, ажойибот ва кашфиётларга шохид бўлмоқ эмас, балки зикри илоҳийдан ўзга муродлардан холи бўлмоқ” [6: 248].

Абу Ҳафс Суҳравардий ўзининг “Аворифул-маориф” асарининг учта бобини айнан хилват қонун-қоидаларига бағишлаган [3]. У ўзининг китобида кубравия, шозилия, қодирия ва хилватия тариқатларига хос бўлган урф-одатлар ва тартиб-интизом тўғрисида ахборот беради. У хилватни нафсга қарши жиҳоднинг бир тури деб ҳисоблайди. Муаллифнинг эътирофича, хилватда солиқ бир қанча психологик ҳолатларни бошидан кечиради. Жумладан, солиқ хилватда қатъий ўзини ўзи назорат қилади, асосан бедорликда бўлади ва доимий ҳолда кучайиб борадиган рўза ҳамда овқатланиш тизимини жорий қилади ва энг муҳими ўз онгини муттасил Аллоҳга йўналтиради, Унда жамлайди. Онгининг доимий Аллоҳга йўналтириш усули зикр ҳисобланади. Шунингдек, бу руҳоний ва физиологик ҳолатларга қўшимча ҳолда

чиллаҳона торлиги қабрга қиёс қилинади ва ғира-шира ёруғлиги (ёки бутунлай қоронғулиги) ташқи ҳис-туйғуларнинг ўчишига ҳамда ички ҳиссиётларнинг очилиши, кашф этилишига олиб келади. Бошқача айтганда, хилватдаги солиқда маълум “ҳол”нинг пайдо бўлиши учун пойдевор ролини ўйнайди. Чунки хилватдан кўзланган мақсад – қоронғуликда Илоҳий ёруғлик (нур)ни солиқ қалбига жойлаш ва Аллоҳ тўғрисида ҳамда ўзи ҳақида ишончли билимга эга бўлишдан иборат. Чунки хилватда солиқ бир томондан қалби Илоҳий файз ичра яшаса, иккинчи томондан, солиқ муттасил ўзини ўзи қузатади. Хилват солиқ учун ўз қалбини дунёвий эҳтирослар ва талаблардан поклаш ва унга илоҳий нурни жойлаш усули ҳисобланади.

Хилватнинг психологик ва психофизиологик томонларига ўз эътиборини қаратган сўфийлардан бири Нажмиддин Кубро ҳисобланади. У узлатнинг биринчи хусусияти бу сукутдир, деб баҳолайди. Улуғ мутасаввиф сукутни “буюк фазилят” деб билади. Маълумки, узлатда солиқ ўзига суҳбатдош тополмайди ва у илк босқичда ўзи билан ўзи суҳбат қуради. Бу ўзи билан бўладиган мулоқот (психологияда “ички мулоқот” деб аталади) солиққа ўзи, ўзининг “мен”и (нафси), ўзининг ички олами тўғрисида маълумот олиш имкониятини беради. Бу маълумотлар солиқда ўзини ўзи англаш даражасини оширади ва “Ўзини англаган Роббисини англайди” ҳикматиға биноан “Роббини англаш” босқичига ўтишни тезлаштиради. Натижада солиқ узлатда ўз “мен”ини йўқотиб, Аллоҳ файзини топади. Узлатнинг юқори босқичида “хилват дар анжуман” даражасидаги солиққа айланади, яъни жалватда (одамлар орасида) ҳам хилватда бўлмоқ даражасида солиқ ўзини ҳис этади. Бу Боязид Бистомий мақомати ҳисобланади. У шундай деган эди: “Ўттиз йилдан буён Ҳақ билан суҳбатдаман, халқ эса мени ўзлари билан суҳбатдош деб ўйлайдилар” [6: 59]. Бундай мақомотга эришганларнинг қайта хилватга киришлари шарт эмас.

Нажмиддин Кубро шундай деб ёзади: “Узлатнинг асосий усули ва йўли билан кишининг ўз ҳис-туйғу аъзоларини ҳар хил тасарруфлардан узоқ тутмоғидир” [6: 62]. Маълумки, инсонда бешта ҳис-туйғу (сезги)

аъзолари бор бўлиб, уларга кўриш, эшитиш, хид билиш, таъм билиш ва туюш аъзолари киради. Бу аъзолар орқали инсон қалбига дунёвий маълумотлар киради ва инсон нафсини қитиқлайди. Нажмиддин Кубро айтганидек, “туйғулар дарчасидан кирган орзу ва истаклар нафсни “асфали софилин” (Қуръони карим, Тин сураси, 5-оят) га етаклайди, унга ҳукмронлик қила бошлайди ва ўз хоҳишлари билан қалбни қуршаб олади” [6: 62]. Сизги аъзолари орқали кириб келадиган дунёвий маълумотлар нафсни кучайтиради ва у инсон руҳониятига ҳукмронлик қилиб олади. У руҳни йўлдан олиб, қалбни эгаллайди. Натижада солиқ барча қўлга киритган неъматларини бой беради. Шунинг учун солиқ психологик жиҳатдан икки ҳолатга эътиборини қаратиши лозим: биринчидан, хилватда солиқ ўз ҳис-туйғулари аъзоларини бўйсиндириши осон кечади, чунки уларга қарайиб дунёвий маълумотлар кирмайди; иккинчидан, умуман ҳаётда ўта дунёвий одамлар билан яқинлашмаслик, чунки улар ҳар қандай шахсга ўз таъсирини кўрсатадилар ва солиқни “аслидан йироқлаштирадilar” (Нажмиддин Кубро). Шу нуқтаи назардан Нажмиддин Кубро ҳақ гапни ёзади: “Хилват ва узлат орқали нафснинг ҳис ва шахват билан боғлиқ куч-қуввати ҳам қирқилади” [6: 63].

Хулоса

Шундай қилиб, узлат тасаввуф таълимоти ва амалиётидаги энг муҳим элементлардан бири ҳисобланади. Унинг вазифаларидан бири – Аллоҳга яқинлик натижаси ўлароқ пайдо бўладиган ҳоллар – фано ва бақоларни пайдо қилишга хизмат қилади. Жисмоний хилват билан руҳоний хилват ўртасидаги диалектик ўзаро алоқа мавжуд бўлиб, бу алоқани албатта ўрнатиш зарурлиги ҳар бир солиқдан талаб этилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Жийлоний Абдулқодир (Ғавсул Аъзам). Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш (Иккинчи китоб). – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2006. – 127 б.
2. Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. (Дин илмларининг жонлантириш) Илм китоби. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2003. – 231 б.
3. Кныш А. Д. Мусульманский мистицизм: краткая история / А.Д.Кныш; пер. с англ. М.Г. Романов. – СПб.: Издательство «ДИЛЯ», 2004 – С. . 464.
4. Комилов Нажмиддин. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. К.1. – Т.: “Ёзувчи”, 1996. – 272 б.
5. Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фирҳисти. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 1993. -115-б.
6. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2004. – 263-б.
7. Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат: (Рух ҳақиқати). –Т.: “Адолат”, 2005. - 412 б.